Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 12 сентябрь, сешанба. №112 (21.875). Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Г. Б. ЙЎЛДОШЕВАГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, миллий қадриятларни тиклаш ва маданиятни юксалтиришдаги фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси Гулнора Ботировна Йўлдошевага «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 9 сентябрь.

«Оқ олтин — 95»

ХОРАЗМДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ЎСТИРИЛМОҚДА

Хоразм вилояти илмий-тажриба участкасида олимларнинг илмий иш олиб боришлари учун барча қулай шароитлар яратилган. Биргина О. Аржиев бошлиқ пудратчи оила аъзоларига биркитилган бир гектар ерда 13 хил ғўза нави ўстирилмоқда. Улар орасида Ўзбекистонда етиштириладиган уруғлардан ташқари Америка ва Хитойдан келтирилган ғўза навларигача бор. Участка ихтиёридаги 4 гектар майдонда илмий тажрибалар ўтказиш билан бирга ҳар йили давлатга 10-12 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб бериляпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар туп ғўзада ўртача 35-40 тадан бўлиқ кўсак пишиб етилди. Айниқса, тажриба участкаси раҳбари, селекционер олим О. Искандаров яратган «Хоразм-12» ғўза нави вильтга чидамлилиги, серҳосил ва эртапишарлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу пахта уруғидан келажакда кўплаб экиш режалаштирилмоқда.

Маълумки, шу пайтгача жумҳуриятимизда асосан бешта вилоятда ингичка толали пахта етиштириларди. Бу йил эрта баҳорданоқ хоразмлик селекционерлар ҳам воҳа тупроғига ингичка толали ғўза уруғини қадашганди. Тажриба учун экилган ушбу ғўзалар меъёрда пишиб етилди. Олимлар яна бир йиллик пухта синовдан сўнг воҳа тупроғида ингичка толали пахта уруғини кўпайтириш мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Агар ушбу тажриба муваффақиятли чиқса, жумҳуриятимизда яна бир вилоят қимматбаҳо ипак толаси етказиб бера бошлайди.

Қодир МУЛЛАЕВ.

Музробод туманидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Меҳнат Қаҳрамони Отамурод ака Худойназаров умри далада ўтган, ўзининг ҳалол меҳнати орқасидан обрў топган инсонлардан. Сурхондарё вилоятида биринчилардан бўлиб пахта териш машинаси рулини тутган кишилардан бири ҳам шу инсон бўлади. У 1968 йилда Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштиришда фаол иштирок эттан. 40 йилга яқин пахта териш машинасини бошқарган.

Отамурод ака ҳозир нафақада бўлса-да, ҳали бардам.

Қачон изламанг, уни даладан топасиз. Бўш вақтларида чўлқувар дўстлари ёки ўғил-набиралари даврасида бўлиб, ҳар хил ширин суҳбатлар қуришни ёқтиради. Кези келганда дўмбира чертиб, даврадошларининг кўнглини овлайди.

СУРАТДА: Отамурод ака 30 йиллик сафдоши Маматқул ака билан. Улар ҳамон ёнма-ён.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ШАРТНОМА БАЖАРИЛДИ

1993 ЙИЛ Туркия Мисрга 46 дона Ф-16 жанговар самолётини етказиб бериш учун шартнома тузган эди. Ҳозирга келиб шартномада келишилган барча самолёт Мисрга етказиб берилди. Ушбу самолётлар Анқара ёнидаги аэрокосмик саноат корхонасида йиғилган. Самолётлар 1,2 миллиард АҚШ долларида баҳоланган.

Ушбу корхона вакилининг маълум қилишича, Америкининг «Локхид» компанияси билан келишувга кўра, Туркия ўз мудофаа эҳтиёжи учун 152 дона ана шундай самолёт ишлаб чиқарди. 1996 йилда яна 80 дона самолёт ишлаб чиқарилиши кўзда тутилмоқда.

ДЕНГИЗ ҚАРОҚЧИЛАРИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

ЖАНУБИЙ Хитойнинг Гуанжу шаҳри полициячилари 39 нафар денгиз қароқчиларини ҳибсга олди. Улар Чжуцзян дарёсининг денгизга қуйилиш жойида савдо кемаларини талаш билан шуғулланиб келган. Қароқчиларнинг турт кемаси ва тез сузар қайиғи бўлган. Уларни ҳибсга олиш вақтида 2 миллион юан (240 минг АҚШ доллари) давлат фойдасига мусодара қилинди.

ТЕЛЕТОМОШАБИН БОЛАЛАР

12 ЁШГАЧА бўлган австралиялик болалар «ойнаи жаҳон» қаршисида кунига ўртача 2 соату 39 дақиқа ўтирар экан. Дунё бўйича эса телевизор кўришда сингапурлик болаларнинг олдига тушадигани топилмаслиги аён бўлди. Социологларнинг таъкидлашича, сингапурлик болалар кунига ўртача 3 соату 32 дақиқани экран қаршисида ўтказади.

ҲИНДИСТОНДА СУВ ТОШҚИНИ

КУЧЛИ муссон ёмғирлари натижасида юзага келган сув тошқини Ҳиндистоннинг шимолий штатларига катта зарар етказди.

Маълумотларга кўра, бу табиий офат оқибатида ўтган бир кеча-кундузнинг ўзида 70 дан зиёд киши ҳалок бўлган. Айни пайтда эса бу рақам 700 тага етди.

Мутахассисларнинг фикрича, бундай сув тошқини ушбу ҳудудда кейинги беш йилда илк бор кузатилган.

ТАШКИЛОТ АЪЗОЛАРИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

ГРУЗИЯ Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизматининг хабар беришича, республика парламенти аъзоси Жаби Иоселиананинг қўриқчилик хизмати ҳайдовчиси, шунингдек, мамлакатдаги «Мхедриони» ҳарбий-сиёсий ташкилотининг бир қанча аъзолари ҳибсга олинди. Улар турли хилдаги ўқ отиш қуролларини ноқонуний сақлаганликда айбланяпти.

Жаби Иоселиани «Мхедриони» ҳарбий-сиёсий ташкилотининг асосчиси ҳисобланади. Грузия прокуратурасининг маълум қилишича, шу йилнинг 30-31 август кунлари ўтказилган тинтув чоғида Ж. Иоселианининг шахсий қўриқчилик хизмати ходимидан 25 та автомат, 27 та қўл гранатаси ва бошқа турли ўқ отиш қуроллари топилган.

АВТОПОЙГА ЧЕМПИОНИ ЭЛЧИ БЎЛДИ

АВТОПОЙГА бўйича жаҳон чемпиони германиялик Михаэл Шумахер ЮНЕСКОнинг тарбия ва спорт ишлари бўйича мухтор элчиси бўлиш арафасида турибди.

Бугун Парижда бўладиган расмий маросимда М. Шумахер ушбу вазифани тантанали равишда қабул қилади.

РАТА—ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, М. Шумахер миннатдорлик белгиси сифатида ЮНЕСКОнинг «Қаровсиз болалар» халқаро дастури учун 250 минг немис маркаси ҳалқ қилди.

ВЬЕТНАМГА ЯНА ҚАРЗ БЕРИЛДИ

ЖАҲОН банки Вьетнам Социалистик Республикасига 265 миллион доллар миқдорида қарз беришга қарор қилди. Бу маблағ мамлакатнинг электр тармоғи ва сув иншоотларини таъмирлашга сарф қилинади. Жаҳон банкининг Вьетнамга берган қарзи жорий йил охирига борib 1 миллиард долларга етар экан.

ГУАНДУНДА КУЧЛИ ТЎФОН

ХХРнинг Гуандун вилоятида бўлиб ўтган кучли тўфон оқибатида 50 нафар киши ҳаётдан кўз юмди. Хитой ҳукумати вакилининг айтишича, бу офатдан мамлакат 3 миллиард юан зарар кўрган, 11 та шаҳар ва 40 та уезддаги аҳоли бошпанасига жиддий талофат етган.

ЛЕНИН ҲАЙКАЛИ ЎҒИРЛАНДИ

РОССИЯ Федерациясининг Трубчевск шаҳрида Ленининг икки тонналик бронза ҳайкали ўғирланган. Шаҳардаги майдонларнинг бирига ўрнатилиши режалаштирилган бу ҳайкал бир неча йиллардан буён шаҳар уй-жой комунал хўжалиги бошқармасида сақланаётган эди.

Ўғрилар бу ишни қандайдир гоя учун эмас, балки мўмай даромад учун қилган бўлса, ажабмас.

ЖОМАДОНДАГИ ХАЗИНА

ДЕҲЛИ халқаро аэропортининг божхона ходимлари Сингапурга кетаётган Австралия фуқароси юклари ичидан ҳақиқий «хазина» топишди. Унинг жомадони назоратдан ўтказилганда, 20 килограмм қимматбаҳо тошлар борлиги аниқланди. Бу тошларнинг баҳоси Ҳиндистон бозорида 1 миллион рупий экан. Австралиялик бу «ишбилармон» контрабандада айбланиб, ҳибсга олинди.

ЛОТЕРЕЯДА 200 ТА ЮТУҚ

ЯПОНИЯДА ҳар йили ўйналадиган «Саммер жамбо» лотереяси яна савдога чиқди. Лотерея билетларининг бозори чаққон. Чунки унга ҳар бири 600 минг долларлик 200 та ютуқ тикилган. Лотерея ўйинидан тушган фойда зилзиладан зарар кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш учун сарфланади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Шу кунниНг НАФАСИ

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

Ўзбекистон—Япония:

ҲАМКОРЛИКНИНГ УФҚИ КЕНГ

11 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталарининг қўшма мажлисида қатнашиш учун республикамизга ташриф буюрган япониялик тадбиркорлар республика Бош вазири ўринбосари, иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония қўмитаси раиси Ўткир Султонов билан учрашди.

Мулоқотда иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония қўмитасининг фаолияти самарали бўлаётгани таъкидланди. Бундан бир йил муқаддам Токиода қўмиталарнинг илк қўшма йиғилиши ўтганидан буён амалга оширилган ишлар ва ҳамкорлик истиқболлари тўғрисида гапирилди. Мамлакатимиз билан манфаатли алоқаларни йўлга қўйган Япония компанияларининг сони тобора ортаётгани қайд этилди.

Учрашувда икки томонни қизиқтирган бошқа масалалар хусусида ҳам фикрлашиб олинди.

Маросимда Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Укеру Магосаки иштирок этди.

(ЎзА).

Кўргазма

ГУЗАР, БЕКАТ, ЧОЙХОНА...

ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Республика меъморлар уюшмасида вилоят бўйича энг яхши қурилиш лойиҳалари кўрик-танлови ғолибларининг ишлари кўргазмаси очилди.

Кўргазмага Чирчиқ, Бекобод, Янгийул, Олмалиқ шаҳарлари ва Қибрай тумани меъморларининг маиший хизматга оид бинолар лойиҳаларидан намуналар қўйилди. Юздан зиёд ишлар орасида диққатга сазовор лойиҳалар ҳам бор.

Бундай кўргазмани ташкил қилишдан мақсад қадимий меъморчилигимизга хос анъаналарни давом эттиришдир, — дейди вилоят бош меъмори А. Умаров. Бу ерга қўйилган ишлар кўпчиликда яхши таассурот қолдирмоқда. Гузар, бекат, чойхона ва ошхона биноларига қизиқиш катта. Ғолиблар учун қимматбаҳо соврин ва мукофотлар таъсис этилган.

Абдунаби МАННОПОВ.

Ишлаб чиқариш

МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙДИ

ЖИЗЗАХ. Бахмал тумани гишт ишлаб чиқариш корхонаси ҳиссадорлик жамоаси маҳсулот турларини кўпайтиришга аҳд қилди.

Ҳозир гишт билан бир қаторда оҳак, алюмин таёқчалари ҳам тайёрланмоқда. Маҳсулотларга талаб ортиб бораётгани учун ишлаб чиқариш бир ярим баробар оширилди. Корхонада кунига 600-700 дона гишт тайёрланмоқда. Бу иш ҳақини ошириш ва ижтимоий ҳимояни таъминлашга имкон берянти. Ишчилар бир ярим минг сўмдан маош олишяпти. Бепул овқатланиш йўлга қўйилган. Жамоага кундалик эҳтиёж моллари бериб турилибди. Яқинда бу ерда маиший хизмат кўрсатиш уйи ва ҳаммом фойдаланишга топширилди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

ҚАРДОШЛИК ВА ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ

Навоий-Учқудуқ -Нукус темир йўл қурилиши давом этмоқда.

Қадимда Турон заминни мағрибдан - машриққача «Буюк ипак йўли» чамбарчас боғлаб турган бўлса, эндиликда жаҳон андозаси даражасида қурилаётган ҳаво ва темир йўллари мустақил Ўзбекистонни дунёга танитмоқда. Олис Қизилқум сарҳадларида қурилиши бошланган Навоий -Учқудуқ - Нукус халқаро темир йўли ҳам бевосита истиқлол, истиқбол учун хизмат қилиши керак бўлган қардошлик йўлидир.

Худди шу ўринда қўйидаги савол туғилиши табиий.

Хўш, нима учун бу давлат аҳамиятига молик қурилиш Қизилқумнинг қоқ белида ёки навқирон Навоий вилоятининг айнан чўл ҳудудида қурилаяпти? Бунинг устига нега у фақат Учқудуқ ва Нукус оралиғида бунёд бўляпти? Ҳа, ҳамма гап шунда-да. Қарийб 500 километрлик масофани ўз ичига олган бу темир йўл қурилиши битса бутун Орололди минтақасидаги халқларнинг, жумладан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва навоийликларнинг азалий орзуси ушалади. Уларнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлади. Бундан ташқари минтақада қазилма бойликларидан фойдаланиш, шу ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилади. Энг муҳими, Ўзбекистон темир йўл хизматидаги бир қатор бож тўловларидан озод бўлади. Мана, сизга бу янги қурилишнинг муҳим аҳамияти.

Биз бу қурилишнинг нечоғлик зарур эканлигини эътироф этдик. Келинг, энди мазкур қу-

Хабарингиз борми?

рилишнинг бориши, унга ҳомий бўлган ташкилотлар хусусида ҳам тўхталайлик. Аслида бу янги темир йўл қурилиши республика Вазирлар Маҳкамасининг 394-сон қарорига мувофиқ 1993 йил август ойида бошланган эди. Ана шундан буён темир йўл қурилиши учун ер ажратиш, унинг лойиҳасини тайёрлаш, маблағ билан таъминлаш борасида бир қатор ишлар қилинди. Шу ўринда бош пудратчи бўлган Ўзбекистон темир йўллари давлат-акционерлик компанияси ва «Ўзбектрансқурилиш» уюшмаси жамоаси саъй-ҳаракатини алоҳида қайд этмоқ керак. Ҳомийлар ташаббуси билан қурилиш иши жадал суръатда бошлаб юборилди. Айни пайтда бу объектда уч йўналишда, яъни Нукус-Урганч- Навоий бўйлаб қурилиш ишлари давом этяпти. Айниқса, Урганчдаги Ражаббой Ёқубов бошлиқ 3-поезд қурилиш-монтаж бошқармаси ҳамда Нукусдаги Габет Кусекбоев етакчилик қилаётган 260-поезд қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари иши ибратлидир. Шунингдек, Навоийдаги Игорь Эдусь раҳбарлик қилаётган 151-поезд қурилиш-монтаж бошқармаси жамоаси ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатаяпти. Биргина навоийлик қурувчиларнинг ўзи жорий йилда қарийб 100 километр масофага темир йўл ётқизишлари ва сифатли таъмирлаш ишларини бажаришлари керак.

Юқорида биз бу зарбдор қурилишни Қизилқумнинг қоқ белида қурилаяпти, дедик. Яқинда ўз ишини тугаллаган республика Олий Мажлиси учинчи сессияси минбаридан туриб юртбошимиз Ислом Каримов бу зарбдор қурилиш Ўзбекистон учун ҳам, унинг келажаги учун ҳам муҳим аҳамият касб этажагини алоҳида уқтириб ўтди. Шундай экан, бу қурилишни тезлаштириш, уни яқин орада ишга тушириш шу куннинг муҳим вазифасидир. Ишонамизки, бу янги қардошлик йўли истиқлолимиз учун хизмат қилажак.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Соғлом авлод учун

НУКУСДА ТЕННИС КОРТИ

Яқин икки — уч ой ичида Нукус шаҳрида замонавий услубдаги теннис корти ишга тушади. Бу спорт мажмуи шаҳардаги А. Дустназаров кўчасида барпо этилмоқда. Ушбу катта корт мингта томошабин учун мўлжалланган. Бундан ташқари мажмуада спортчилар учун хизмат қиладиган турли хил савдо расталари, сауна, кафе-бар, дорихона, дам олиш хоналари ҳам бўлади.

Бу ишни «Қорақалпоқавтоюк» акционерлик бирлашмаси ўз ҳомийлигига олган. Қурилиш ишларини эса «Қорақалпоқагроқурилиш» тресті жамоаси бажармоқда. Улар бу бинони жорий йилнинг ноябрь ойигача фойдаланишга топширишни мўлжалламоқда.

Яқинда бу катта иншоотнинг қурилиши боришини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков, республика Вазирлар Кенгаши раиси Б. Жуманиёзов, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримовлар бориб кўрдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Ж. Суюнов уларни теннис корти қурилишининг лойиҳаси билан таништириб, ушбу спорт мажмуининг мўлжалланган муддатда фойдаланишга топширилиши учун барча чора-тадбирлар қурилаётганлигини таъкидлади.

Г. НУРЛИПЕСОВА.

Спорт

СУЗУВЧИЛАР ҚЎЛГА КИРИТГАН МЕДАЛЛАР

Шри-Ланкада сузиш бўйича Осиё-Тинч океани мамлакатлари чемпионати ниҳоясига етди. Унда Ўзбекистондан Навоий шаҳридаги «Олтин сув» спорт маркази спортчилари иштирок этди. Ўзбекистонлик спортчилар 5 та олтин медални қўлга киритиб, мутахассисларни ҳайратда қолдиришди. Бундан ташқари, улар 8 та кумуш ва бронза медалга ҳам эга бўлишди.

(ЎзА).

«РАИС НЕГА ХАФА?»

(1995 йил 29 июль)

«Хоразмда ўтган йили кузги буғдой экиш режаси бажарилмади. Гарчи экилган олинган ҳосил бугунги ҳисоб-китобларга қараганда гектарига 29 центнерни ташкил қилса-да, бироқ кузда бой берилган кўпгина имкониятлардан оқилона фойдаланилганда, тадбиркорлик билан иш кўрилганда ҳосилдорлик кўрсаткичи сезиларли даражада ошган бўларди». Газетамизда чоп этилган юқоридаги сарлавҳали мақола шундай мулоҳаза билан бошланган эди. Мақола юзасидан Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари И. Юсуповдан қуйидаги жавоб хати олинди.

Вилоятимиз меҳнаткашлари республикамиз Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни тўла маъқуллаган ҳолда, дон мустақиллигини таъминлаш бўйича ҳукуматимизнинг қабул қилган қатор қарорларини бажара бориб муайян ишларни амалга оширмоқда.

Рўзноманинг 1995 йил 29 июль сонида «Раис нега хафа?» сарлавҳаси остида чоп этилган мақолада баён қилинган фикр ва мулоҳазалар вилоят ва туман агросаноат уюшмаларининг мутахассислари иштирокида ўрганиб чиқилди. Янгибозор туманида 1994 йилда 1573 гектар майдонга кузги буғдой экилиб, туман бўйича 4562 тонна буғдой олинган, ўртача ҳосилдорлик 29 центнерни ташкил этган бир пайтда, «Россия» жамоа хўжалигида 100 гектарга экилган буғдой майдонининг ҳар гектаридан 14,5 центнер ҳосил олинган холос. Мазкур жамоа хўжалигида 1993 йилда ҳам 42 гектар майдонга кузги буғдой экилган, ҳосилдорлик 12,4 центнерни ташкил қилган.

1995 йил ҳосили учун экилган кузги буғдойнинг жойлаштирилиши, экиш муддатлари, парвариши ўрганиб чиқилди. Шу соҳада шуғулланадиган мутахассислар, илғор бригада бошлиқлари, пудратчилар хўжаликда буғдойдан ниҳоятда паст ҳосил олиш сабаблари бўйича ўз фикрларини билдирдилар.

Уларнинг хулосаси бўйича хўжаликда буғдой экиш учун ерларнинг деярли ҳаммаси шоли экиладиган далаларнинг ўртасидан танланиб нотўғри жойлаштирилганлиги, экиш муддатларининг кечиктирилганлиги, суғориш ва озиқлантириш ишларининг кеч ва сифатсиз ўтказилганлиги натижасида кам ҳосил олинган.

Вилоят ҳокимлигида «Россия» жамоа хўжалиги мисолида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА жавоб берадилар

қишлоқ хўжалик ходимлари йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди ва келгусида бундай камчиликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланди.

«КЎРИНМАС ОДАМНИ ИЗЛАБ»

(1995 йил 18 июль)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ушбу мақола юзасидан хизмат текшириви ўтказилди.

Текширув натижаларига кўра мақолада эълон қилинган ҳолатлар ўз тасдиғини топди.

Суд ишларида назоратни сусайтирганлиги учун Тошкент шаҳар Акмал Икромов судининг раиси У. Содиқов Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг 1995 йил 20 июль кунги тезкор йиғилиш қарори билан қаттиқ огоҳлантирилди. Шу туман суди судьяси А. Усмонов ижро ҳаракатларида йўл қўйган хато ва камчиликлари учун интизомий жавобгарликка тортилиб, Тошкент шаҳар судлари судьяларнинг малакали ҳайъатининг 1995 йил 4 август қарори билан унга ҳайфсан эълон қилинди.

Акмал Икромов туман суди ижрочиси бўлиб ишлаган А. Муродов ҳозирда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туман суди судьяси бўлиб ишлаётганлиги сабабли унга ижрочилик даврида йўл қўйган камчиликларини муҳокама қилиш Сурхондарё вилояти Адлия бошқармасига топширилди.

Булардан ташқари, Хоразм вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи У. Раҳимовнинг 1995 йил 8 август куни вазирликка берган маълумотига кўра, 1995 йил 1 август куни жавобгар М. Ҳайтимметов ва даъвогар «Спутник» кичик корхонасининг вакили Ю. Шамсиддинов унинг ҳузурига чақиртирилиб, уларнинг ҳуқуқлари тушунтирилиб, ижрони таъминлаш учун барча процессуал ҳаракатлар амалга оширилган. Даъвогар билан жавобгар ўртасидаги келишувга асосан М. Ҳайтимметовдан ҳар ой даъвогар фойдасига 5000 сўмдан пул ўтказиб туришлик ва доимий равишда Гурлан тумани Дусимбой қишлоғида оиласи билан яшашлик тўғрисида ёзма тилхат олинган. Суд қарори ижросини тўлалигича таъминлаш устидан назорат олиб бориш вазирлик томонидан Хоразм вилояти Адлия бошқармасига юклатилди.

Вазирнинг биринчи ўринбосари
Й. НАЗАРОВ.

ВОҲА МАНЗАРАЛАРИ

ХДП йўлланмаси билан

Хоразм воҳасининг ўзига хос бир жой эканлиги ҳаммага маълум. Кейинги 30-40 йил ичида унинг иқлими ва табиати анча ўзгариб, бошига кўп қийинчиликлар тушаётгани ҳам сир эмас. Бу ҳақда дунё бонг уряпти... Воҳани кезиб шу нарсага кўзим етдики, иқлим ва табиатдаги бу қийинчиликларни меҳнаткаш халқ ўз ғайрати, шижоати, меҳнати билан енгяпти. Ўзига ўзи йўл очиб, камолот сари интиляпти. Нукус шаҳри ёнидаги Амударё гидростанцияси тўғонидан ўтар эканмиз, тўғон тагидан сизиб, Орол сари кетаётган сув Жайҳуннинг кўз ёшидек сезилди менга. Ҳужайли шаҳрида тез суръатлар билан барпо қилинаётган корхоналар, хусусий банклар, маиший бинолар шаҳарнинг бутунлай янгиланаётганидан дарак бериб турибди.

Академиянинг макони бўлган кўҳна Урганч обида, музейлари мени ва дўстларимни, бир вақтлар уч миллионлик катта шаҳар бўлган кўҳна Урганч тарихига қайтарди. У ерда яшаб ижод этган улуғ алломалар Ал-Беруний, Ибн Сино оёқ изларига кўзимиз тушгандек бўлди. Бир вақтлар Академиянинг макони бўлмиш Қирқмулла тепалигидан ўша давр алломалари бош кўтараётгандек кўринди бизга. Кўҳна Хоразмда маънавият ва жасорат рамзи бўлмиш Нажмиддин Кубро мақбарасига таъзим бажо келтирдик.

Дунё харитасида ошиқдек келадиган, аммо ўтмиши улуғ, тарихи бой Хоразмнинг ҳар бир қишлоғи ёки шаҳри эмас, балки бутун борлиги, ўзига хос дарахтлари, роҳатбахш соя-салқин бериб турадиган азим гужумлари, муттасил шабада тортиб турадиган ҳовуз ва ҳовузчалар — булар ҳаммаси кўз олдимда янги олам каби намоён бўларди.

Хоразмнинг кўҳна шаҳри, узоқ вақтлар унинг пойтахти бўлган қадимий Хива Қорақум билан Жайҳун орасида савлат тўкиб турибди. Сайёҳлар унинг ҳар бир кемтигини тавоб қиладилар. Уни абадийлаштириш учун бу ерга қадам қўйган Малик Қаюмов билан учрашиб қолишимиз бизга қувонч бағишлади. Демак, Хоразм яна бир гал кинолентларда ўз жамолини кўрсатади. Бунгача мени бир нарса қийнаб юрарди. Ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотларни кам биламиз. Хоразмда кўрган-билганларимиз бу хусусдаги тасаввурларимизни бойитди. Кўрдикки, ҳар бир касб эгаси ўз иши билан банд, деҳқон ер-сув билан, ишчи дастгоҳ билан, қурувчи янги иншоот яратиш билан!

Шаҳар ва туман марказларида шарқона услубда қатор расталар, ихчам-қулай кичик корхоналар қад кўтаряпти. Буларни яратиш учун ойлаб-йиллаб лойиҳа кутишнинг ҳожати йўқ. Хива шаҳри ва Боғот туман марказида шундай ҳолларни кўрдикки, кечаги оддий ишчи ёки муҳандис кўзга ялт этиб ташланадиган, ерли шароитга мос иморат ва иморатчаларни қуриб ташлаяптики, уларни мустақилликдан олдинги ҳаёт тартиб-тизгинлари билан амалга ошириш учун ўнлаб йиллар керак бўларди.

«Мамлакат аҳволидан хабардор бўлмоқчи бўлсангиз, иккита нарсага назар ташланг» деган экан донолардан бири.

Вилоят ҳокими Маркс Жуманиёзов таассуротларимизни эътибор билан эшитди.

— Ҳоким ва раҳбарларнинг иш услуби ҳам бир оз ўзгариб қолди, — деди у киши — илк ҳоким бўлган пайтларимда шикоятчилар, бир-бири билан жанжал қилувчилардан бошим чиқмасди. Ўринли-ўринсиз арзлар билан ҳузуримга келадиганлар ҳам оз эмас эди. Энди ундайлар деярли йўқ. Ҳамма ўз иши билан банд.

Ҳокимнинг чеҳраси очилди. Юз-кўзларида мамнунлик табассуми пайдо бўлди. Ва «Энди одамлар кўпроқ яхши хабарлар билан ҳузуримга келишади. Тўйга таклиф қилиб, фотиҳа сўраб келадиганларнинг ҳисоби йўқ» деди суюниб.

Бугунги Хоразм, шаҳарларни туманлар билан, туманларни қишлоқлар билан боғлайдиган бежирим йўллари билан ажралиб туради. Бу йўллар доим қаровда. Текис, тўғри, атрофлари кўкаламзор, пасти оҳакланган қатор дарахтлар...

Шаҳар ва туман марказларидаги бозорларнинг устлари ёпилган, расталари ихчам ва қулай, шарқнинг ўзига хос мева-чевалари, қовун-тарвузлари билан тўла.

Жайҳун суви энг ширин ва шифобахш сувлардан ҳисобланар эди қадимда. Кейинги 20-30 йил давомида бу сувнинг сифатсизлангани ҳаммага аён. Бунинг қатор сабаблари ҳам маълум. Эндиликда Нукус ва Урганч шаҳарларида ичимлик сувининг сифати анча яхшиланганини бизни қувонтирди. Завод ва фабрикаларда иш бошқарувчилар ва оддий ишчиларнинг кайфиятлари ҳам бизни мамнун қилди. Улар ҳаётнинг бир тузумидан иккинчи тузумга ўтиш пайтидаги қийинчиликларни яхши тушунадилар ва буни ўткинчи ҳол деб биладилар. Шу маънода улар мустақиллик бераётган келажак куртакларини яратаётганликларини яхши англайдилар.

Гурлан туманида фермерлардан бири «Ҳадеб камчилик ва қийинчилик ҳақида гапирасизлар, бу ҳақда гапираверишнинг ҳеч кимга фойда бермайди. Яхшиси, рўй бераётган янгиликлар ҳақида кўпроқ гапирайлик», деди. Аҳолининг кўпчилигида шу кайфият бўлса керак, шаҳар, туман ва қишлоқларда бўлган учрашувларда мавжуд қийинчиликларни рўкач қилишни хаёлларига ҳам келтиришмади. Учрашувлар, суҳбатлар ниҳоятда самимий, эркин фикрлашувдан иборат бўлди. Фақат кўп жойларда олим, фузалоларнинг аҳоли ҳузурига кам келаётгани, натижада маънавий жиҳатдан жойларнинг марказдан узоқлашиб қолаётгани хусусида фикрлар билдирилди.

Сафар ниҳоясига етди. Воҳа ҳаёти билан танишишда бизга ҳамроҳлик қилган Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғайрат Машариповга яна Хоразмга келажагимизни айтиб, илиқ хайрлашдик.

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ДЎСТЛАРИМИЗ НИГОҲИДА

Роман ГЕРЦОГ, ГФР Федерал Президенти:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудий майдони ёки аҳолиси сони жиҳатидангина эмас, ўзининг маданий мероси, иқтисодий ресурслари ва сиёсий ўрни жиҳатидан ҳам Марказий Осиёдаги энг муҳим давлатлардан ҳисобланади.

***

Виктор ЧЕРНОМИРДИН, Россия Федерацияси ҳукумати Раиси:

Бутун Ўзбекистондаги ўзгаришлар суръати кишини ҳайратга солади. Ўзбекистон ўзининг ҳақиқий ва тўғри йўлини топиб олди.

***

Нурсултон НАЗАРБОЕВ, Қозоғистон Республикаси Президенти:

... Биз қардош ўзбек диёрида янги қўринишдаги мустақил давлат барпо этиш ишининг кўнгилдагидай амалга оширилаётганидан чин юракдан қувонамиз, эришилаётган муваффақиятлардан фахрланамиз.

***

Чингиз АЙТМАТОВ, Қирғизистон халқ ёзувчиси:

Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги ипак эмас, пахта эмас, тилла эмас. Бу — Ўзбекистоннинг халқи. Ўзбек халқи албатта буюк давлат қуради. Худо кучқувват берсин!

Тадбиркорлик

ЗАВОДДА БУРИЛИШ БЎЛМОҚДА

Халқимизнинг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бормоқда. Аҳолининг ана шу талабини уддалаб келаётган Узун туманидаги темир-бетон заводининг ишга туширилганига йигирма беш йил бўлиб қолди.

— Ҳозирги кунда корхонамиздан чиқаётган темир-бетон буюмлари ўзининг сифати, чидамлилиги билан ўтган йиллардагидан анча фарқ қилади, — дейди завод директори Маматқул Бадалов. — Муаммоларимиз жойида ўз ечимини топмоқда. Масалан, собиқ Иттифоқ даврида биз асосан Россиядан цемент олардик. Ҳозир Навоийдаги цемент заводи билан шартнома туздик. Ишларимиз чакки эмас. Натижада кейинги олти ой давомида уч минг куб метрдан ортиқ ёки 5 миллион 700 минг сўмлик темир-бетон буюмлари ишлаб чиқардик. Изланган имкон топар экан.

Самарқанддаги «Ўзқишлоқэлектрқурилиш-2» бошқармасидан металл олиб, Бекободдан келтирилаётган учинчи нав металлга қайта ишлов бериш натижасида янгилик жорий қилдик. Аввалларида бир дона бетон буюмга юз килограмм металл сарф қилинган бўлса, бугунги кунда 60 килограмм металл ишлатяпмиз. Ўтган етти ойда 51 тонна меттал тежаб қолинди.

Айни кунларда завод республикамизнинг Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё каби вилоятларига ҳам бетон «симёғоч», шлакоблок ва плиталар етказиб бермоқда. Йил бошида шлакоблок тайёрлайдиган янги цех ишга туширилди. Цех буюртма асосида вилоят аҳолисига ғишт етказиб беряпти.

Завод ишчиларининг ойлик маоши ҳам чакки эмас. Нусратилла Шокиров, Мамадин Раҳимов, Абдумалик Қодиров, Умрзоқ Қосимов, Мусурмон Ашуров сингари ишчилар ҳар ойда ўртача 1000-1500 сўмгача маош олишмоқда. Корхона аҳлининг мақсади халқимизнинг қурилиш материалларига бўлган талабини янада тўлароқ қондиришдан иборат.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Қўқондонмаҳсулот» ҳиссадорлик жамиятига қарашли барча цехлар вилоят далаларида етиштирилган бу йилги ғалла ҳосилини қайта ишлашга киришдилар.

Ҳиссадорлар тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Шу мақсадда тегирмон цехига 4 та «А-1 БЖМ» русумли янги дон ювиш ускуналари ўрнатилди. Натижада олий навли ун ишлаб чиқариш 12 фоизга ортди. Шунингдек, дон майдалаш бўлимига ўрнатилган «А-1 БВГ» русумли дон майдалагичлар ҳисобига суткасига қўшимча 60 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилмоқда.



СУРАТЛАРДА: 1. Ҳиссадорлик жамияти раиси Омонжон Сотволдиев. 2. Элеваторларда ҳосил қабул қилиб олинмоқда.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

ҒАРОЙИБ ОЛАМ

ОЛИМНИНГ АСЛ ВАТАНИ

МАШҲУР рус олими ва академиги Андрей Сахаровнинг ота-боболари грециялик экан. Грециянинг Кея ороли маъмуриятидан олинган ҳужжат буни тасдиқлади. Ушбу ҳужжатни журналистларга тақдим қилган афиналик К.Келецкиснинг сўзларига қараганда, марҳум олимнинг рафиқаси Елена Боннэр ўтган йили ёзда мазкур оролга келиб, эрининг келиб чиқиши ҳақидаги фикрларга далил излаган экан. XVIII асрдан буён Кея ороли маъмурияти ҳужжатлари ўта тартибли равишда сақланиб келинаётган фуқаролик актлари орасидан Сахаровнинг авлодлари ҳақидаги маълумотни топиш қийин бўлмаган.

БУГУНГАЧА ЕТИБ КЕЛГАН СКИФ ЖАНГЧИСИ

ОЛТОЙ тоғининг Укок яссиликларидаги музликлар орасидан скиф давридаги жангчининг мумиёланган жасади топилди. Ноёб топилмани Новосибирск олимлари вертолётда институтга олиб келишди ва муздатгичда сақлашмоқда. Шу кунларда мумиёланган жасад Москвадаги илмий-текшириш марказига юборилади.

Дастлабки текширишларга кўра, жасади минг йиллар давомида муз қатламлари орасида сақланиб қолган жангчи 30 ёшда бўлган экан. Унинг қуроллари — ўқ-ёй ва найзаси ўзи билан бирга бўлган. Эгнидаги пўстини, чарм этиги ва бошқа кийимлари жуда яхши сақланган.

Икки йил аввал мазкур музликлардаги қазилма жараёнида «Олтой гўзали» номи билан катта шов-шувга сабаб бўлган ёш аёлнинг жасади ҳам топилган эди.

НАРИГИ ДУНЁГА БУЮРТМА

ВОЛГОГРАД вилоятининг Волжск шаҳридаги қабристон маъмурияти тирикларга қабр учун кафолатланган ер сотмоқда. Беш квадрат метр қабрнинг баҳоси 1 миллион рубл (240 АҚШ доллари) этиб белгиланган. Энг қизиғи, қабристондан ер сотиб олган кишига 20 йил кафолат берилади. Агар у шу муддат ичида оламдан ўтмаса, берган пулига қуйиб қолаверади — қабрни бошқаси эгаллаб олади.

Волга бўйидаги ушбу порт шаҳар аҳолиси учун нариги дунёга бориш ҳам қимматга тушади, шекилли.

ЎТКИНЧИ ЖАБР ЧЕКДИ, ХОЛОС

МОЛДОВАЛИК К.Валентин хотинидан ажраганидан сўнг, суд собиқ рафиқаси фойдасига ажрим қилган уйини портлатиб юборди. Молк-мулкни бўлиш чоғида суд эрга машинани, хотинга эса уйни бериш ҳақида ҳукм қилган эди. Ҳукмдан норози Валентин бўкиб арақ ичган, ошхонадаги газ баллони очқичини бураб, гугурт чақиб юборди. Хотини эса бу пайтда уйдан қочиб чиқишга улгурди. Уй ерпарчин бўлди. Вайроналар орасидан «шўрлик» эрни тортиб олишганида у деярли соппа-соғ эди. Фақат кўчадан ўтиб кетаётган ўткинчига қийин бўлди. Кучли портлашдан қулаган девор унинг оёғини синдирди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Бунёдкорлик

ДАШТЛАРГА СУВ ТАРАБ

• ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Вилоятдаги сув иншоотлари, ўзлаштирилаётган янги ерлар Ҳисорак қурилиш трести бунёдкорларининг меҳнат самарасидир.

Тоғ шароитида Ҳисорак сув омборини барпо этиб, Оқсув-Яккабоғ канали орқали сув оқизганлар ҳам шулар. Ҳозир Бешқўтон даштларига сув таралмоқда. Бу ерда 12 минг гектар ерни ўзлаштириш имкони бор. Трест маъмурияти иқтисодни яхшилаш мақсадида 100 гектарли майдонда пахта етиштирмоқда. Айни кунларда қурувчилар пахта далаларида қўсаклар очила бошлади.

Юнус УЗОҚОВ.

Касаба уюшмалари

БАЛЛИ, ҚИЗЛАР

• ТОШКЕНТ (жамоатчи мухбиримиздан). Республика Касаба уюшмалари федерацияси санаторий-курортлар бирлашмаси «Ҳамшира-95» кўрик танловини ўтказди.

Ҳамшира қизлар баҳсида «Чортоқ», «Марҳамат», «Чимён», «Косонсой» каби оромгоҳлардан вакиллар иштирок этди. Улар тиббиет билан бирга адабиет, санъат ва маданият борасидаги билимларини ҳам намойиш этишди. Ҳайъат аъзолари «Чимён» оромгоҳи ҳамшираси Зулфия Абдураҳмоновага биринчи ўринни беришни лозим топди. «Марҳамат» ва «Чортоқ» оромгоҳларидан келган Гулбаҳор Мадатова билан Ҳамро Ҳусанова иккинчи, «Турон» санаторийси ҳамшираси Наргиза Ҳакимжоновага учинчи ўрин берилди.

Неъмат РАФИҚОВ.

ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ КИШИЛАР УЧУН ...

ҲАР ҚАНДАЙ ФАОЛИЯТДА МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИШНИНГ ЗАРУР ШАРТИ - БУ УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ БИЛИШДИР. ХЎШ, ЗАРУР ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚИДИРИШ НЕГА ШУНЧАЛИК МУРАККАБ?

ҲАР ҲАФТАДА ОЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН БИР НЕЧА ЎНЛАБ ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА. ҲУЖЖАТЛАР МАТНЛАРИНИ ЧОП ЭТУВЧИ НАШРЛАР ДОИРАСИНИНГ ЧЕКЛАНГАНЛИГИ ВА УЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ОЛОЛМАСЛИК - МЕЪЁРИЙ АХБОРОТНИ ТЎПЛАШ ВА УНДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ КУЗАТИБ БОРИШ БИР ТАШКИЛОТ ДОИРАСИДА ЖИДДИЙ МУАММОГА АЙЛАНИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ.

БИЗ СИЗЛАРГА БУ МУАММОНИ ҲАЛ ЭТИШИНГИЗДА ЁРДАМ БЕРМОҚЧИМИЗ.

БИЗ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИ БЎЙИЧА НОДИР АХБОРОТ БАЗАСИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ. 20000 ДАН ОРТИК САҲИФАДА ФАРМОНЛАР, ҚАРОРЛАР, ХАТЛАР, ҚОИДАЛАР, ЙЎРИҚНОМАЛАР ВА МУЛКЧИЛИКНИНГ БАРЧА ШАКЛИДАГИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ТУРЛИЧА ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА БОШКА МЕЪЁРИЙ ВА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ МАТНЛАРИ ЎРИН ОЛГАН.

ҲОКИМИЯТ ВА БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИ БИЛАН ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ АЛОҚАЛАР ТУФАЙЛИ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ УНИВЕРСАЛ ЖАМЛАНМАСИ ҲАР 10 КУНДА ТЎЛИБ БОРАДИ.

БИР ЗУМДАГИ ҚИДИРУВ, ҲАР ҚАНДАЙ ПРИНТЕРДА ЧОП ЭТИШ, ҲУҚУҚШУНОСЛАРНИНГ ШАРҲЛАРИ, РЕТРОСПЕКТИВА - АМАЛИЙ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ВОСИТАЛАРИДИР.

ҚЎШИМЧА АХБОРОТЛАРНИ ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА МУРОЖААТ ЭТИНГ:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, НУКУС КЎЧАСИ, 73 Б
ТЕЛЕФОН: 3712 548847, ФАКС: 3712 547718
E-MAIL: PRAVO@ABC.TASHKENT.SU

"АВИАБРОК-КОНСАУД" ФИРМАСИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚОНУНЧИЛИГИ

ПРАВО
ЮРИДИК АХБОРОТ ТИЗИМИ

ҲАК-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Савол: Жиноятчиларни озодликдан маҳрум қилиш ва уларга қамоқ жазолари берилишидан асосий мақсад нима? Бу тарбияхоналар устидан прокурор назорати қандай йўлга қўйилган?

Қ. ОЧИЛОВ, Тошкент шаҳри.

Жавоб: Жиноятчига қамоқ жазоси уни жамиятдан ажратиб тарбиялаш лозим, деб топилган тақдирдагина суд томонидан белгиланади. Чунки айрим оғир жиноят содир қилган шахсларнинг жамоатчилик орасида булиши ўша муҳитга, атрофдагиларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Қамоқхоналар ва ахлоқ тузатиш — меҳнат муассасаларида прокурорлик назорати таъминлашдаги тадбирлардан асосий мақсад жазонинг муқаррарлиги, шахсни қайта тарбиялаш ва унинг такроран жиноий йўлга тушиб қолмаслиги эканлиги ҳар бир маҳкум умумфойдали меҳнат ва тарбиявий тадбирлардан сўнг ҳеч қачон нохуш йўлларга тушмаслигидир. У «қонун фақат жазолайди» деган фикрдан йироқ булиши, қонун шахснинг тўғри йўлини топиб олиши учун хизмат қилишини ҳис этмоғи лозим.

Бошқа назорат тармоқларидан фарқли ўлароқ, прокурорлар ахлоқ тузатиш — меҳнат муассасаларини ҳар қандай вақтда текширишга ҳақли. Ўша пайтда жазо ўтаётган шахсга тегишли ҳамма ҳужжатлар билан танишиш, нотўғри ушлаб турганларни зудлик билан озодликка чиқариш, маҳкумлар билан суҳбатлашиш ва қўргазмалар олиш, маъмуриятнинг буйруқ, фармойиш ва қарорлари қонунийлигини текшириб чиқиш, ноқонунийларининг ижроларини тўхтатиб қўйишларга прокурор ҳақли.

***

Савол: Касалманд, ақли заиф ёки ўта оғир жиноятга алоқаси бор, деб топилиб, 7 йил муддатга кесилиб кетди. Қайси ҳолатларда бундай болалар жавобгарликка тортилмайдилар. Ва судланмайдилар?

И. ИКРОМОВ, Фарғона вилояти.

Жавоб: Агар ўғлингизнинг ақли заиф, яъни ақли норасолигини тасдиқловчи тиббий идоралар берган маълумот бўлса, суд ҳукми нотўғри ҳисобланади ва бундай нотўғри ҳукмлар юқори суд органлари томонидан ёки прокурор келтирган протест билан ёхуд назорат тартибида кўрилиш жараёнида бекор қилинади.

Ижтимоий хавфли қилмиш, яъни жиноят содир этган ва суд томонидан ақли норасо деб топилган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилади.

***

Савол: Турмуш ўртоғим 1991 йилда 15 йил муддатга судланган эди. Суд уни рецидивист жиноятчи деб топди. Бу нима дегани. Шу ҳақда маълумот берсангиз?

А. ЭРГАШЕВА, Қашқадарё вилояти.

Жавоб: 1995 йил 1 апрелидан тадбиқ этила бошланган янги Жиноят Кодексининг 34-моддасида рецидив жиноятлар ва кимлар рецидивист деб топилиши кўрсатилган.

Жумладан, илгари қасддан содир этган жиноят учун судланганлар кейин янги жиноят содир этиш рецидив жиноят деб топилади.

Илгари ҳукм чиққан жиноятга ўхшаш жиноят содир этган ёхуд алоҳида ҳолларда бошқа жиноятлари учун ҳам илгари ҳукм қилинган шахснинг янги жиноятини қасддан содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш; яъни илгариги ўта оғир жинояти ёки иккидан ортиқ қилмиши учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши; ҳамда илгари оғир жинояти учун иккидан ортиқ ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар оғир ёки ўта оғир қилмиши учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга жазо тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Суднинг ҳукми билан бундай шахс ўта хавфли рецидивист, деб топилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, ўта хавфли рецидивист, деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар судлари ҳукми бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

Саволларга Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бўлим прокурори, ҳуқуқшунос М. ТОШТЕМИРОВ жавоб берди.

БАЛИҚ ЕМАГАН ЧОЛ

Яхшилар эл ардоғида

Жомбойдаги Нормамат Эсонтурдиев номли хўжаликда жанатмакон бир боғ бор. Одамларнинг қадами узилмайди бу ердан. Ҳатто шаҳардан ҳам келишади. Лекин боғнинг номи йўқ. Ҳамма «Ғани аканинг боғи» дейди. Ўрганиб қолишган шунга. Биз ҳам шу тариқа суриштириб бордик. У киши мажнунтолнинг тагидаги сўрида маъданли сув ичиб ўтирган экан.

— Ошқозоннинг мазаси йўқми, отахон? — гап ташладик.

— Бе, нимасини айтасиз. Ошқозон зўр. Арақ ичмагандан кейин ошқозон касал бўлама бола. Свет йўқ. Савили қолгур теракнинг учи қимирласа — ўчади-қолади.

Бундай қараганда аста-секин гапиргандай, Аммо сўзларида ортиқчалик йўқ. Мириқиб эшитасиз.

— Болам, қаердансизлар билмадиму, лекин камина сохталикни ёмон кўраман. Юракда борини гапираман. Бизди боққа хотин, бола-чақа билан келиш мумкин.

Биз ўзимизни таништирдик.

Шовдираган одам экан бу Ғани ака дегани. Бир пасда уруғ аймоғи-ю, қилган ишларини айтиб ташлади. Ғани Файзуллаев 40 йил шу хўжаликда бош агроном бўлиб ишлаган. Қизиғи шундаки, у киши бош агроном бўлган йилларда пахта режаси муттасил бажарилиб, келинган.

— Олтмиш ёшга тўлган кўним нафақага чиққанман, ука. Айрим мансабпарастларга ўхшаб жойимга ёпишиб олмадим. Ўзим таклиф қилдим бўшатишларини. Баъзиларга ҳайронсан-ай, етмишга кирсаям лавозимини бергиси йўқ.

— Айримлар ишламаса туролмайди...

— Ҳой ука, ишлайман деса машғулот камми?' Улар ўша курси-ю имтиёзларга ўрганиб қолишган. Мен ҳам ишлайверсам индашмасди. Лекин ўзимдан бирор боғ қолсин дедим, ном қолсин, дедим. Айрим қарияларга меҳнатдан қочишади. Ҳайла, бизнинг қишлоқдаям ўзини муллаликка солганлар қанча. Нима, ўшаларда тамоқда, ҳеч қурса ҳовлида деҳқончилик қилгани шароит йўқ деб, ўйлайсизми? Бор, Фақат юрак керак бунинг учун. Ҳе, нимасини айтасан, болам. Гапирсанг гап кўп...

Хуллас, 1981 йилда Ғани ака катта йўлнинг пастидаги ташландиқ ерни боғ қилишга киришди. Бола-чақаси билан аввал у жойларни хас-хашакдан, бутадан тозалашди. Колхоз бироз ёрдам берди. Дарахт экишни бошлаганда айрим қишлоқдошлари «Ғани, жуда ўжарсанда, шу ерда дарахт унадими, бир умр экин ўсмаган бу ерларда» деб луқма ташлашди. Ғани ўжар эса (дарвоқе, у кишини айримлар «Ғани прямой» дейишади) айтганидан қолмади.

— 1983 йилда ҳосил шунақаям бўлдики, қуяверинг. Дарахтлар бир йилда соя ташлади. Ўшанда бутун колхоз қарияларини чақирдим. Роса меҳмон қилдим. Камина дилимдагини гапириб олдим:

— Ҳой, тенгдошлар, сизлар ҳам шунақа иш қилинглар, юрасизларми яхтакни осилтириб шаҳармашаҳар, дедим. Уялгани уялди, уялмагани ўша фикрида кетаверди. Мениям бир девона одатим бор. Келаси йили ҳам машинам билан ҳар бирининг уйига ҳосилдан тарқатиб чиқдим.

— Демак, ҳосилдан анча-мунча даромад ҳам қилиб турарсиз?

— Даромадинг нимаси болам? Топган-тутганим меҳмонларга кетади. Беш-олти йил ҳосилни колхозга топширдим. Киптансам бор. Кейин колхоз ўзиникиниям уддалай олмай қолди. Мева-чевани йўқотдим. Сотадиган одамим йўқ. Шу битта-иккита келган-кетган билан гаплашиб кўнгилни чоғлаймизда, ука.

— Қанча дарахт бор боғда?

— Санамайман. Баракаси қочади. Биринчи йил экканда 14 мингта эди. Катта бўлган, тўрт мингтасини колхозга бердим. Яна 4 мингтасини қишлоққа тарқатдим. Узимиз ҳовлига ишлатдик. Сиз кўриб турган мана шу кўл 10 йилда пайдо бўлди. Ҳув тепадаги булоқнинг кўзини очиб, атрофини кенгайтиравердик. Ҳар йили бола-чақам билан тозалаб чиқамиз. Қаранг, балиқлари тиллога ўхшайди. Ҳузур қиламан қараб. Айрим бемазалар мен йўқлигимда сувга ток улаб балиқларни ўғирлаб кетишяпти-да!

— Демак, ўзингиз ҳам балиқларни ушлаб еб турасизда?

— Ие, қарасанг-чи, болам, шу балиқларни еб бўлама-а? Мен умуман балиқ емаганман. Ҳозир учта ўрдак боқяпман. Насиб этса кўпаяр...

— Келган-кетганларнинг даромади ёмон эмасми?

— Қанақа даромад? Мен 12 йилдан бери нафақадан бошқа даромад олган эмасман. Келган-кетганлардан бир тийин олмайман. Баъзан ичинг, деб мажбур қилишади. Ичмайман. Эси бори идишовоқ, капкир, пичоқ совға қилади. Дастурхон берганим бор. Мен эса хизматини қиламан. Раҳматини оламан. Буниям кайфи бор-да мухбир болам.

— Айтишингизча, ҳеч қаерда ҳисобда йўқ, ер экан. Хусусийлаштириб олсангиз бўлмайдими?

— Унақа нарсаларга имкон қани, болам.

Биттаси шаҳардан келиб ўзингизники қилиб олгунча уч гектарга фалон пул тўлайсиз, деди. Бунча пулни қаердан оламан?

— Ахир, бу ерда сизнинг 12 йиллик бепул меҳнатингиз борку?!

— Уни катталар тушунмаса, мен тушунмайман. Бултур биттаси келиб: «Бобо сизга битта «Жигули» бераман, боғни бизнинг ташкилотга топширинг» деди. Кўнмадим. Қандай яшайман бу боғсиз? Улиб қоламан-ку, болам.

— Болаларингизга беринг.

— Бир пайтлар зўр қилиб ёзишди. Боғни болалари билан еб кетди, ичиб кетди, деб. Уларни ҳам яқинлаштирмай қўйганман. Қолаверса, тўрт ўғилнинг ҳаммаси уйли-жойли. Ишидан кўнгли тўқ. Икки қизим турмушга чиққан. 71дан ошдим-у буёғи бир гап бўлар. Қолган тўрт кунлик умримда жанжаллашиб юрайми...

Боғдан қайтар эканмиз, қишлоқнинг буюклиги ана шунақа маҳкам, теран томирларга вобаста эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Фармон ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БАНК – ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ БЎЛИШИ КЕРАК

Пойтахтдаги Акмал Икромов тумани пайчилик-тижорат саноат-қурилиш банки бошқарувчиси Абдусаттор ОБИЛОВнинг фикри ана шундай.

Ислоҳот чорраҳаларида

Кечагина эди: ишлаб чиқариш самарадорлиги пасаймоқда, халқ хўжалигида мутаносиблик бузиляпти деган гап - сўзлар қулоққа тез-тез чалиниши одатий тусга айланаётган эди. Хайриятки, бошқаришнинг янгича шакли, ислоҳотларнинг янгича тўлқини одамларимиз онгида тезда ўз ифодасини топди. Натижада, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш учун, товар ишлаб чиқарувчиларнинг самарали ишлашлари учун шарт-шароитлар яратилди. Эндиликда мамлакатимизда қурилиш, саноат ва савдо каби соҳаларда сезиларли силжишлар юз бериб, ривожланиш босқичига кирмоқда. Шу боисдан ҳам миллий даромаднинг сўнгги олти ой ичида ўсиши юқори бўлди.

Бунда албатта, мамлакатимиздаги йирик банклардан бири Ўзбекистон пайчилик-тижорат саноат-қурилиш банкининг ва унинг жойлардаги вилоят ва туман бўлимларининг ҳам салмоғи сезиларли бўлмоқда. Уларнинг кўмагида кичик ва қўшма корхоналардан тортиб, заводу фабрикаларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури кўпайиб, сифати ошиб бориши кузатилмоқда.

Пойтахтимиздаги А. Икромов туманида жойлашган мазкур банкнинг бўлимида ҳам ана шундай ишлар амалга оширилмоқда. Тўғри, банк бўлимининг қуввати кичик. Лекин салмоғи юқори. Айни кезда мазкур туман пайчилик-тижорат саноат-қурилиш банкининг ўзидагина 728 дан ортиқ фирма, кичик ва қўшма корхоналарга ҳамда 13 та катта ташкилотларга кредитлаш ва бошқа соҳаларда ёрдам берилаётганлигига банк бўлимида бўлганимизда гувоҳ бўлдик. Айниқса, тасарруфидаги катта-кичик ташкилотларни бироз иқтисодий тангликлардан ҳозирги иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ бўлган масалалардан бири пул — кредит сиёсатини амалга ошириш, пул қадрсизланишини бартараф этишга ҳисса қўшиш, шу жумладан, бозор маданиятининг ташкил топишида бўлимда бир қанча ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Банк бўлими томонидан берилган кредитлар ўз вақтида мақсадга мувофиқ харажатлар қилинишига ёрдам беряпти. Энг муҳими, банк бўлими томонидан бажарилаётган операциялар ҳажми республикамиздаги етакчи туман пайчилик-тижорат саноат-қурилиш банкларининг кўрсатаётган хизмат улушидан паст бўлмаяпти, аксинча ошиб кетди. Масалан, шу йилнинг биринчи ярим йиллигида ташкилотларга, мижозларга хизмат кўрсатишдан олинган кредит ҳисобидан даромад 10 миллион 290 минг сўмни ташкил қилди. Бунинг 67 фоизи кредит бериш ҳисобидан олинган даромад бўлса, 33 фоиз даромад эса мижоз ва корхоналарга хизмат кўрсатишдан вужудга келганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Муаммоларни ўз вақтида ҳал этмасак, унинг кўпайишига имконият яратган бўламиз. Шунинг учун биз имкони борича мижозларимизга лаббай деб туришга ҳаракат қиламиз, — дейди банк бошқарувчиси Абдусаттор Обилов, — Шу боисдан банкимизда доимий равишда 33 миллиондан 75 миллион сўмгача банкнинг кредит беришга ҳақи бор маблағи заҳирада туришини узлуксиз таъминлаганмиз. Айни кезларда ҳам ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисоб рақамимизда ҳам 44 миллион 641 минг сўмлик заҳира қолдиқ турибди.

Банк бошқарувчиси таъкидларидан кўриниб турибдики, туманда ташкилот ва корхоналарга кредит ажратиш, уларга яна бошқа соҳаларни ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда яхши шароитлар яратилмоқда. Ёки олайлик, шу йилнинг биринчи ярим йиллигида дебиторлик қолдиқларига йўл қўйилмаган. Бу деган сўз ҳисоб — китоб ишларини яхши олиб боришда Президентимиз шу йилнинг 12 майида имзо чеккан «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан иш олиб борилганлигини кўрамиз. Абусаттор ака мазкур Фармон корхона ва ташкилотлар ўртасида ҳисоб — китоб ишларини, халқ хўжалигида тўлов интизомининг аҳволини тезда тартибга солишда катта туртки бўлди, дейдилар. Ҳақиқатан, мазкур Фармонга мувофиқ жойларда иш кўрмаётган, муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи бор корхона раҳбарларига ва бош ҳисобчиларига нисбатан жуда қаттиқ маъмурий ва моддий чоралар кўрилмоқда. Лекин мазкур бўлимда фаолият кўрсатаётган барча турдаги корхона ва ташкилотларда бундай ҳодисалар бўлмади ҳисоб.

Айни кезларда ҳукуматимиз олиб бораётган одилона сиёсат жамоанинг ҳар бир ходими учун дастуриламалга айланган. Шу боисдан банк бўлимида ҳар ҳафтанинг сешанба куни махсус ўқув ташкил этилган. Ўқув дарсларини олиб боришга мамлакатимиздаги банк соҳасининг билимдонлари чақирилади. Ўқув вақтида улар Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан, Марказий банкнинг кўрсатмаларидан фойдаланадилар. Кўп ҳолларда, Абдусаттор аканинг ўзлари ўқувни олиб боради; у кўпроқ мамлакатимизда ва хорижда банк соҳасига доир чоп этилган газета ва журналлардаги шу ҳафтанинг иқтисодиётга, банк тизимига тегишли мақолалари мағзини чақиб беради, уларни ўқишга ундайди; ислоҳотга оид Президентимизнинг ва етук иқтисодчиларнинг ҳар бир китобини қунт билан ишчил тарғиб қилади. Келгуси машғулотда уларнинг ўқиган — ўқимаганлигини синаб ҳам кўяди. Ходимларни жавобига қараб баҳолайди. Абдусаттор акани яқиндан танийдиганлар: «Абдусатторнинг шогирдлари бугун Ўзбекистон банки тизимининг ярмини эгаллаган» дейишлари бежиз эмас.

— Жамоамиздаги ишлар билан танишиш мақсадида яқинда Ўзбекистон пайчилик — тижорат саноат-қурилиш банкидан, Марказий банкдан, солиқ бошқармасидан ва бошқа назорат органларидан бизнинг фаолиятимизни келиб кўришди, — дейди Абдусаттор ака. — Улар ҳам яхши натижаларимиздан қувонишиб, ишимизга муваффақият тилаб кетишди.

Ишлаган элда азиз, дейдилар. Туман банк бўлими шу йилнинг ярим йиллик пул муомаласини, касса айланмасини 127 фоизга ёки режалаштирилган 349 миллион 910 минг сўм ўрнига 445 миллион 65 минг сўм қилиб адоғи билан бажарган. Шу жумладан, савдодан тушган 279 миллион 110 минг сўм ўрнига 348 миллион 543 минг сўм, транспортдан 20 миллион 190 минг сўм ўрнига 28 миллион 280 минг сўмга бажарган. Ўз навбатида пул муомаласи, эмиссия натижалари яхши. Бу эса маълумки, у бошлиқ банкнинг 129 нафар ходимининг самарали меҳнатидир.

Абдусаттор ака доим ходимларига, шогирдларига уқтирадики, ҳатто кунлик тўлов жараёнларини бажаргандан кейин ҳам ортиқча ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисоб-китоб рақамида қолдиқ маблағ эришишни таъминланг. Ана шунда келгусидаги тўланадиган тўловларга замин тайёрлайсиз, дейди. Баъзи жойларда, хизмат сафарларида бўлганимизда ўша жойнинг раҳбарлари аҳолига меҳнат маошларини беролмаётганликларидан нолиб қолишади. Нима у ерда банк ишламаяптими, деб ўйлаб қоласан. Мазкур банк бўлимида бирон марта ҳам бундай ҳол бўлмаган. Барча ташкилотлар ишчи ва хизматчилари ўз вақтида иш ҳақларини олиб туришибди. Бунга асосан банк бўлими томонидан корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволи текширилиб, назоратга олиниши, молиявий ёрдам берилиши орқали эришилган.

Айни кунда банк бўлимида тўртта пул алмаштирув пункти, саккизта жамғарма кассалари ҳам аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Жамғарма дафтарларидаги қолдиқ 2 миллион сўмдан ошиб кетди. Бу эса аҳолининг банк хизматчилари хизматидан мамнунлигидан далолат.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбиркорлар бор бўлсин!

«ДЎСТЛИК» ГИЛАМЛАРИ

УННИНГ ХАРИДОРИ КЎПАЙМОҚДА

Тошкент шаҳридаги «Дўстлик» бирлашмаси қармоғида 12 та фирма бўлиб, уларнинг ҳар бири турли йўналишда халқ хўжалиги тизимида мол ва товарларнинг мунтазам бўлишлигида ўз ҳиссаларини қўшаётирлар.

Биргина гилам ишлаб чиқаришда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу билан улар корхонада иш мароми узлуксизлигини таъминлашга эришмоқдалар. Жамоа цехлар учун зарур тўқув ипларини ҳам шу ернинг ўзида тайёрламоқда. Дағал жун билан омухталаштириладиган сунъий тола эса «Наманганпахтасаноат» бирлашмасидан келтирилмоқда. Натижа эса чакки эмас. Шунингдек, улар Хива гилам фабрикаси ва Қиргизистон тадбиркорларига хом ашё етказиб бериб, тайёр маҳсулот келтирмоқдалар. Бундан ташқари ушбу гилам цехининг Тошкент вилояти, Паркент туманидаги «Суқоқ» қишлоғида ва бошқа ҳудудларда филиаллари бўлиб, бу ерларда янги иш ўринлари барпо этилмоқда. Бу эса қишлоққа саноатни олиб киришнинг омили бўлиб хизмат қилаётир.

«Ғаффор» фирмаси — «Дўстлик» бирлашмасига қарашли ўн икки фирманинг бири.

Фирма тадбиркорлари яқинда Навоий шоҳкўчасидаги савдо қаторида уч қаватли янги дўкон биносини ўз кучлари билан қуриб, фойдаланишга топширдилар. Бу дўкон «Ўзбекистон гиламлари» номи билан аталди. Унинг пештахталарида фирмада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш билан бирга Россия, Покистон, Германия, Туркия, Голландия ва Дания каби бир қатор давлатлар фирмалари билан ҳамкорлик эвазига келтирилаётган турли моллар савдога қўйилган.

Ҳақиқатан, ушбу уч қаватли шинам ва файзли савдо кошонасида сотувчи ва харидорлар билан юзма-юз келсангиз, уларнинг чеҳрасидан мамнунлик туйғуларини уқиб оласиз.

Бу ерда истаган молингизни харид қилишингиз мумкин. Пештахталар турли-туман моллар тўла. Чунончи, эркаклар ва аёллар ҳамда болалар кийим-кечаклари, оёқ кийимлари, мавсумбоп кийим матолари, хўжалик моллари, поёндозлар, турли ҳажмдаги гиламлар, шунингдек, маданий, атторлик, салқин ичимликлар бўлимлари ҳам харидорлар хизматида.

— Эл билан ишлаш ҳам улуғ, ҳам мураккаб иш,-дейди биз билан суҳбатда «Ғаффор» фирмаси раҳбари Абдуваҳоб Пулатов. — Улуғлиги шундаки, элга баҳоли қудрат хизмат кўрсатаётганлигидан фахрланасан, одамлар корига камарбасталикдан завқланасан. Мураккаб жиҳати эса бозор иқтисоди шароитидаги айрим қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келмоқда.

— Албатта, ишни ўнглаш учун энг аввало ташкилотчилик ва тадбиркорлик лозим. Елиб-югурмасанг, изланмасанг, бир жойда депсиниб туравергани билан иш ўз-ўзидан битиб қолавермайди. «Дўстлик» бирлашмаси бундан олти йил муқаддам бир кичик гилам тўқиш корхонаси сифатида ўз фаолиятини бошлаган эди. Бирлашмамиз раҳбари Ғаффор Азимовнинг саъй-ҳаракати, ташаббуси билан ушбу кичик корхона кенгайтирилиб, тўқув дастгоҳлари ўрнатила бошланди. Бу дастгоҳларни ишлатиш учун мутахассислар зарур эди. Бу масалани бартараф этиш мақсадида қўшни Тожикистоннинг гилам ишлаб чиқариш фабрикаларидан келган тўқувчилар ушбу муаммони ҳал қилишимизда бизга яқиндан ёрдам беришди. Сунгра тўқув корхонаси базасида ип-йигирув цехлари очилди. Уз қамровини кенгайтира борган корхона замирида бирлашма вужудга келди. «Дўстлик» номини олган бирлашмага астасекинлик билан фирмалар қўшила бориб, уларнинг сони 12 тага етди. Шуларнинг ичида энг тунгичи «Ғаффор» фирмасидир.

Бугунги кунда фирмамизда 100 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Унинг қошида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, бир қанча филиаллар ташкил этилди. Ҳозир улар бозорларимизни зарур маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳисса қўшмоқдалар.

Бирлашмамиз маҳалла аҳлига ўз ҳисобидан масжид қуриб берди. Ишчи-хизматчилар учун лимончилик хўжалигини ташкил қилдик. Хизматчиларимизга ўз ҳисобимиздан кунига бир маҳал текин овқат берилмоқда. Ҳукуматимизнинг, шахсан Президентимизнинг тадбиркорликни қуллаб-қувватлаши натижасида жамоа нуфузи кундан-кунга ошмоқда. «Тер туккан — роҳат топар» деганларидек, жамоанинг барча аъзолари ҳар йили «Хумсон» ва «Кумушкон» каби ҳордиқ чиқариш масканларида дам олиб қайтишяпти.

Аввал иқтисод, кейин сиёсат дейдилар. Бу гап ҳозирги шароитда нечоғли долзарб эканлигини «Дўстлик» бирлашмасига қарашли «Ғаффор» фирмаси мисолида кўрдик. Жамоанинг айни кундаги мақсади сифатли маҳсулот тайёрлаб, республика ички бозорини тўлдириш, қолаверса ортганини хорижий мамлакатлар харидорларига сотишдир.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«ҒАФФОР»
фирмаси

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ВА АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

"ҒАФФОР" фирмаси қуйидагиларни ТАКЛИФ ЭТАДИ.

- *гиламлар, поёндозлар;*
- *озиқ-овқат маҳсулотлари;*
- *салқин ичимликлар.*

Маҳсулотларимиз сифатига кафолат берамиз. Фирма қошида "*автосервис*" хизмати ташкил этилган.

Дўконимиз пештахталарида фирмамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бир қаторда, *Россия, Покистон, Германия, Туркия, Голландия* ва *Дания* каби давлатлар фирмалари билан ҳамкорлик эвазига келтирилаётган турли хил моллар савдога қўйилган.

ДЎКОНИМИЗГА МАРҲАМАТ!

Манзил: Тошкент шаҳар, Навоий кўчасидаги савдо растаси. Мўлжал: Ҳамза театри биноси рўпарасидаги 3 қаватли дўкон.
Телефон: 44-52-44.

ЎЗБЕКИСТОН - ХИТОЙ "СУВЖИҲОЗГАЗ" қўшма корхонаси

сув ва газ учун турли моделдаги хўжалик ва саноат счётчикларини таклиф қилади.

Сифатли, арзон, чидамли, бежирим..



Сизларни кутамиз.
Тошкент, Воровский кўчаси, 26
"Чкалов" метро бекати.
Телефонлар: 96-53-71, 96-70-94.
Факс: 96-14-20.



ШИФОХОНАЛАР, ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

"АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА ТАБОБАТ" фирмаси СИЗЛАРГА ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН 300 ДАН ОРТИҚ ДОРИ-ДАРМОНЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

АГАР СИЗГА ОШҚОЗОН-ИЧАК, ТЕРИ-ТАНОСИЛ, ЮРАК, ҚОН-ТОМИР, ЖИГАР, БУЙРАК, АСТМА ВА АСАБ ХАСТАЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛ КЕЛАДИГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР ЗАРУР БЎЛСА ФИРМАМИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!
ФИРМАМИЗГА ДУНЁНИНГ БАРЧА ҚИТЪАЛАРИДАН ТУРЛИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР КЕЛТИРИЛМОҚДА.

Сиз фирмамиздан *"Термед"* (Германия), *"Стерлинг Хелс"* (Буюк Британия), *"КРКА"* (Словения), *"Берингер Ингельхайм"* (Австрия), *"ЦИЭХ Польфа"* (Польша), *"Эссекс Кеми АГ"- "Шеринг Плау"* (АҚШ), *"W Robertson Co LTD"* (АҚШ), *"Гедеон Рихтер"* (Венгрия), Россия, Украина каби жаҳондаги энг йирик фармацевтика ишлаб чиқариш фирмаларида тайёрланган дори-дармонларни, шунингдек, ошқозон-ичак яраларига шифо ато этувчи *"Зантак"*ни, қаттиқ оғриқни қолдирувчи *"Сольфадеин"*ни харид қилишингиз мумкин.

ШОШИЛИНГ, СИЗГА ЗАРУР БЎЛГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР, МАЛҲАМЛАР ФИРМАДА ИСТАГАНЧА ТОПИЛАДИ. УЛАР ҲАМ АРЗОН, ҲАМ СИФАТЛИ.

Фирма сотувдаги барча дори-дармонлар сифатини ва таъсир кучини кафолатлайди. Савдо-сотик пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Фирма манзили:
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, I-а уй (метронинг "Ғафур Ғулом" бекати).
Телефонлар: 44-24-34, 40-44-83. 40-48-06.
Факс: 40-48-53.

ТАКЛИФ

МАЙДА ВА УЛГУРЖИСИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

шарикли ручкалар, фломастерлар, стерженлар, скоршивателлар (ҳужжатлар йиғиб қўйиладиган папкалар), канцелярия елими, паронит (прокладка материали), фрикцион накладкалари, тормоз колодкалари, асбестли тахталар, арқон ва кукунлар.

Паррандалар ва ҳайвонларни семиртирувчи "Примикс"қўшимча озиқлантирувчисини етказиб бериш юзасидан шартномаларни тузади.

Ҳақ тўлаш—исталган шаклда.

Телефон: (3712) 33-41-47.

"ДИНА" ҳуқуқий компанияси
— мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари мажмуаларини ишлаб чиқиш, корхоналарнинг муҳрларини тайёрлаш, банкда ҳисоб рақамини очиш билан бирга, тайёр ҳолда рўйхатдан ўтказиб бериш бўйича хизматларни кўрсатади.

Шартномаларни тузган мижозлар:
— кичик бизнес корхоналари ишини ташкил этиш;
— фуқаролар ва ташкилотларга меъёрий ҳужжатларни тақдим этган ҳолда, жорий қонунчилик бўйича юридик хизматлар кўрсатиш юзасидан бепул маслаҳатлар оладилар.

Алоқа учун телефонлар: 79-14-77, 79-14-78, 72-35-31.
Манзилимиз: Тошкент, "Халқлар дўстлиги" кўчаси, 29-уй "Собир Раҳимов" метро бекати.

КВАНТ — ГЛОБАЛ —

янги имкониятлардаги авиасервис

Тошкентда МДҲнинг ҳамма шаҳарлари, Россия авиакомпаниясининг барча рейсларига авиачипталарни сотиш кассалари очилди.



КВАНТ — ГЛОБАЛ —
Домодедово бирлашмасининг ваколатхонаси ва Россия ҳаво йўллари бош агентлиги.
Тел: 33-29-49.

BAT
UZBAT A.O.
Joint Venture

The Corporate Affairs Department (dealing with external relations and publicity of the Joint Venture) invites dynamic and motivated English-speaking candidates to apply for the following positions:
1. Computer-literate trilingual (Uzbek, English, Russian) *Press and Media Manager* with journalistic experience or work experience with a foreign or international organization/company as public relations officer.
2. Computer-literate trilingual (Uzbek, English, Russian)*secretary*, with at least 1 year of experience as a secretary or office adminis trator.
Possible candidates are requesdted to submit their CVs or Resumes to the Human Resources Department, UZBAT A.O. Joint Venture Head Office, 4 Husnutdin Asomov Street, Tashkent - 700084.

БУЮК ТУРОННИ ЁШАРТГАН КУНЛАР

Марказий Осиё ўйинлари якунланди

Утган ҳафта Туронзамин халқларига янгича ҳаётбахш нафас инъом этди, десак муболаға бўлмас. Биринчи марта ўтказилаётган кичик олимпиада руҳи одамларда кўтаринки кайфиятни юзага келтирди. Истиқлол юртимиз бошкентида ловуллаб турган мусобақа машъаласи, ҳилпираб турган байроғи ёшу қарининг кўнглида бир оила фарзандлари ҳиссини уйғотди. Қозоқ, қирғиз, туркман, тожик шу кунлар ўзбекка қўл бериб, жондошлик, қардошлик ришталарини маҳкамроқ боғлашга, азалий бирликни қўллашга азму қарор қилганликлари намоён бўлди. Туронзаминни узига хос ларзага келтирган етти кун бой тарихимиз саҳифаларини безаши табиий. Аслида спорт анжуманини утказишдан ҳам мақсад шу эди.

Қутлуғ спорт туйига ҳозирлик кўриш кезлари Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Ўзбекистон миллий олимпиада қўмиталарининг президентлари буюк турон аҳлига мурожаатнома қабул қилишган эди. Унда жумладан шундай даъватномалар баён этилган: «Халқаро олимпиа қўмитаси тасарруфида Тошкентда ўтадиган I-Марказий Осиё ўйинлари ҳаммамизнинг туйимиз, умумий спорт байрамимиз. Уни чиройли ва юқори савияда утказишда ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилсаккина мақсадимизга эришамиз. Ана шундай ҳамкорлик орқали биз тезроқ дунё спортига чиқамиз ва муносиб мавқега эга буламиз... Бу юртнинг спорти довруғли, эртанги куни порлоқ бўлиши учун куч-қувватимизни аямайлик. Ҳар доим ҳамнафас, ҳамқадам бўлайлик».

Турон халқлари ўртасида йирик ва унутилмас воқеага айланган мусобақанинг ҳар бир кунида ана шу отошнафас сўзларга хослик борлиги кўриниб турди. Марказий Осиё ўйинларининг халқаро олимпиада қўмитаси раҳнамолигида ўтказилгани нур устига аъло нур бўлди. Мазкур нуфузли қўмитанинг президенти Хуан Антонио Самаранчнинг юртимизга меҳмон бўлиб келиши, ўтган қисқа фурсатда бошланган хайрли ишга пухта ҳозирлик кўргач: «Юртбошингиз спортнинг халқаро аҳамиятини яхши биладиган инсон», «Мамлакатингиз имкониятларини яхши биламиз», деб эътироф этиши, «мусобақалар олимпия, тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик ғоялари остида ўтади», деган ниятни айтиши ҳам бежиз эмас.

Сирасини айтганда биринчи бўлиш, бошлаб бериш ҳамиша ҳам осон бўлавермайди. Зеро, юртимизда катта ишга қўл уриб, унинг муваффақияти таъминланди. Марказий Осиё ўйинларига тайёргарлик ва уни утказиш ташкилий қўмитаси раиси, республика Бош вазири ўринбосари С. Саидқосимов, республика Миллий олимпиада қўмитаси президенти С. Рузиев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов билан ҳамкорликда нуфузли мусобақани катта байрамга айланишига имкон яратилди. Айниқса кичик олимпиада мусобақаларининг тантанали очилиш маросими унутилмас воқеага айланди. Шу куни «Пахтакор» ўйингоҳини лиқ тўлдириб утирган одамларнинг қувончу ҳайқириғини кўрган киши ҳақиқий олимпиада ҳузурини ҳис этгандай бўлди.

Утган ҳафта Қирғизистон миллий олимпиада қўмитаси президенти Эшим Қутмалиев: «Миллионлар қалбига оға-инилик, биродарлик ва дўстлик шуурини олиб кирди. Ҳар бир ғалаба ҳамманики — Туронзамин ёшларининг ютуғи деб билдик», деганда кўп марта ҳақ эди. Боиси, бир-бирига қардош, тили бир, дили бир, дини бир ёшлар узига хос халқаро майдонда ҳалол ва холис курашишга, тантилик кўрсатишга, маҳорат пиллапояларидан кўтарилишга интилдилар. Ҳар бир республикадан келган ҳакамлар, устозлар ва мутахассисларнинг эзгу мақсади битта, у ҳам бўлса Марказий Осиё ўйинларини нуфузли мусобақа Атлантада ўтадиган олимпиада ўйинларига тайёргарликнинг бош босқичи деб билиш эди. Шуниси ҳам борки, етти кун мобайнида меҳмонларга иззат-икром билан маданий-маиший хизмат кўрсатиш ўрнига қўйилди. Тошкентдаги ўнлаб фирма, бирлашма, банк ва қўшма корхоналар хомийлик ёрдами кўрсатишда ҳам собит турдилар.

Муҳими, Тошкентнинг энг йирик спорт иншоотларида давом этган қизғин ва муросасиз баҳсларда халқаро талабларга мос натижалар намоён этилди. Янги номлар пайдо бўлди. Рекордлар ўрнатилди. Спортнинг 12 тури бўйича баҳсларда медаллар жамғармасини бойитиш чин маънодаги курашга айланди.

Ўрни келганда айтиш керакки, мусобақа учун спортнинг олимпиада турлари танланган бўлиб, мутахассислар Атлантага юборишга лойиқ номзодларни рўйхатга олишни мўлжаллашган эди. Албатта, ҳар бир мамлакат Тошкентга ўз имкониятлари доирасидаги жамоа билан келган. Аммо мусобақада асосан Қозоғистон ва Узбекистон спортчилари ғолибликка даъвогарлиги кўзга ташланди. Бу эса ўз навбатида курашни тағин ҳам қизғин ва шиддатли бўлишига йўл бермади. Шунинг учун ҳам медалларнинг катта шодаси Ўзбекистон ва Қозоғистон вакилларига насиб этди. Хусусан, Ўзбекистон терма жамоаси жами 180 та медаль тўплади. Бу ютуққа курашчиларимиз, сузувчиларимиз, енгил атлетикачилар, марганлар ва оғир атлетикачилар кўпроқ ҳисса қўшдилар. Қозоғистон 168 та медаль билан кўпчиликни қувонтиришди. Қирғизистон 67 та, Туркманистон 40 та, Тожикистон 15 та медаль тўплади.

Бир сўз билан айтганда Марказий Осиё ўйинларини утказиш билан юртимизда бундан йирик ва нуфузли мусобақаларни уюштиришга қодир эканимиз аён бўлди. Ўйлаймизки, мамлакатимизда ҳали Осиё ўйинлари, ҳатто олимпиада мусобақаси ҳам ўтказилади.



Муросасиз баҳсларда.

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Театр

БУГУН «ҲАМЗА»ГА КЕЛИНГ!

Йилнинг тўрт фаслиям биз учун гўзал ва тароватли. Айниқса, кузнинг хосияти бўлакча. Бугун эса...

Ўзбекистонда довруғли санъат масканларидан бири ҳисобланмиш Ҳамза номидаги академик театрда янги мавсум очилади. Шу муносабат билан мухбиримиз театр директори, Халқ артисти Ёқуб АҲМЕДОВ билан суҳбатлашди.

— Ёқуб ака, аввало янги мавсум муборак бўлсин!

— Ташаккур, сизларниям қутлайман. Чунки бу ҳаммамизнинг мавсумимиз, байрамимиз.

— Ҳар куни ғаройиб воқеалар, янги хуш хабарлар эшитиб, бошимиз осмонга етади. Шу маънода ўзбек театр санъатининг катта даргоҳларидан бири Ҳамза театри ўз мухлисларини қандай совғалар билан кутиб олаяпти?

— Ҳар қандай замонда ҳам бу театр ўзбек халқининг суюкли даргоҳи бўлган ва ҳозир ҳам шундай деб ўйлайман. Чунки, бу ерда ўзбек санъатини, қолаверса, ўзбекнинг кимлигини жаҳонга танитган буюк санъаткорлар ишлаган. Уларнинг номларининг ўзи юракларни ларзага солади: Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр акаю Сора опалар, Олим Хўжаеву Марья Кузнецовалар, Наби акаю Зайнаб опалар, Қудрат акаю Иброма опалар, Шукур акаю, Тошхон опалар... Қай бирини санайин? Ҳаммаси биз учун азиз ва қадрли. 78 йилдан бери Ҳамза театри ўз мухлисларини яхшиликка, эзгуликка, поклик ва адолатга чорлаб келаётир.

Бу йил назаримда биз учун анча сермаҳсул бўлади. Ҳозирнинг ўзидаёқ учта спектакль премьераси ўтди. Булар Ҳайитмат Расулнинг «Муҳаббат султони» асари, Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романи асосида тайёрланган ва Жон Патрикнинг «Кампирни гумдон қилмаймизми?» асарларидир. Йил охиригача яна бир нечта премьералар ўтказиш ниятидамиз. Ҳозир Ўткир Ҳошимовнинг Ўзбекистон истиқлолига бағишланган «Қатағон» драмаси устида ишлаяпмиз. Уни ёш режиссёр Бойназар Матназаров саҳнага қўйяпти. Яна Ҳайдар Муҳаммаднинг милиция ходимлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Жиноят устида ушлансин» асарини қўйишни режалаштиряпмиз. Шунингдек, яна бир буюк асар В. Шекспирнинг «Қирол Лир» трагедияси устида ҳам ижодий жамоамиз иш бошлаяпти.

— Ҳар бир даврнинг ҳамма соҳасида ҳам ўзига яраша синовлари бўлади. Бугунги кун театр мухлиси билан бундан беш-олти йил аввалгисининг фарқи жуда катта десам лоф бўлмас. Чунки кечаги томошабин бугун ўзгарди-да! Шундай эмасми?

— Томошабин ўзгариши мумкин. Ўзгаряпти ҳам. Лекин театр ўзгаргани йўқ-ку? У ўз вазифасини ўзгартирмаслиги шарт. Биз доимо ўз зиммамиздаги улкан масъулиятни ҳис қилиб ишлаяпмиз. Энди... ўз фаолиятимизга баҳо беришга келсак... Келинг, мухлислар айта қолсин.

— Биласиз, ҳар қандай санъат маскани ўз остонасидан янги ва хилма-хил номлар, овозлар, истеъдодлар ҳатлаб ўтсагина, у юксалади, ривожланади. «Ҳамза»да-чи? Кимлар келди, кимлар...

— Мен ўз суюкли театримизнинг аҳил ва қадрдон жамоасидан миннатдорман. Бу мамнунлигим шу маънодаки, бизда катта ё кичик санъаткор деган гап йўқ. Чунки битта даргоҳда елкама-елка туриб ишлаяпмиз. Шу маскан туфайли бизларни халқ танияпти, олқишлаяпти. Бундай халққа хизмат қилиш бизлар учун шарафлидир.

Кимлар келди, кимлар кетди демоқчисиз-да? Йўқ, кетганлар йўқ ҳисоб, келганлар эса кўпчил. Ҳаммаси иқтидорли ва умидли ёшлар. Ҳаммасига ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барча элдошларимизни қутлуғ театримизга таклиф этаман.

Умида РАҲИМОВА гурунглашди.

Қомуснома

МИНГЛАБ САВОЛ-ЖАВОБЛАР ЖАМЛАНГАН

• НАМАНГАН (мухбиримиздан). Вилоятдаги қадимий шаҳарни биласизми? Ким биринчи бўлиб помидор ҳосилини етиштирган? Дастлабки босмахонани ким ташкил этган?

Шунга ўхшаш қизиқарли минглаб савол-жавоблар тўпланган «Наманган вилояти қомуси» китоби нашр этишга тайёрланмоқда. Алоҳида ижодий гуруҳ тайёрлаётган, мутахассис ва жамоатчилик кўригидан ўтган бу китоб нашрга топширилди. Қомусни тайёр ҳолига келтириш учун тўрт йил ишлашга тўғри келди. Олимлар, ёзувчилар, журналистлар ва ўлкашунослар кўмаклашишди. Китобни тайёрлаш ва чоп этиш билан боғлиқ барча харажатларни вилоят ҳокимлиги ўз зиммасига олган.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ.

ҲАҚЛИГИНИ БИЛАР ЭДИ...

Суддан сўнгги ўйлар

У хўжаликка етакчи бўлиб на ҳосилни йиғди, на экин-тикинни якунлай олди. Кузнинг охирида ишга тайинланди. Баҳорда олиб ташланди. Ўзи учун, халқи учун бирон-бир режасини амалга оширолмади. Тўғриси, уни ишлагани қўймадилар. Одоби, камтарлиги, элни ўзига эргаштира билишлиги, жамиятимизда бўладиган ўзгаришлар, янгиликларни тезда илғаб олиши кимларгадир ёқмади.

Муминали Турдиалиев «Ўзбекистон» боғдорчилик давлат хўжалиги директорлигига туман ҳокимлигининг тавсиясига биноан борди. У ишни қабул қилиб олганида хўжаликнинг моддий томони ўта оғир эди. Асосий эътиборни шунга қаратди. Халқнинг турмуш тарзини яхшилашга оид режа тузди. У деҳқон манфаатини ҳимоя қиладиган ишни энди бошлаган эди.

«Ўзбекистон» давлат хўжалигида муқаддам ким олғир бўлса, улоқ ўшанда кетган. Фарғона вилоят мева-сабзавот ва узумчилик саноати давлат ширкат концерни бирлашмаси раиси Х. Араббоевнинг (собиқ) топшириғига асосан хўжаликнинг маблағи талон-торож қилинган. Хўжалик ҳисобидан ўқишга юборишлар, керак-нокерак жойларга пул ўтказиш авжига чиққан. Муминали Турдиалиев келибоқ бу ўмаришларга чек қўйди. Хўжаликнинг маблағи ўзида ишлатилишига қаттиқ турди. Худди шу қайсарлик раисга ёқмади. Турт ой давомида хўжаликдан хабар олмаган Араббоев 1-19-апрелда 5 маротаба келиб, фақат Турдиалиевдан ўз хоҳиши билан ишдан кетишини талаб қилади ва ниҳоят...

— Бу охиргиси. Аризангни ёзасан,—деди Араббоев 1993 йил 19 апрель куни М. Турдиалиевни Ўзбекистон тумани ҳокимлигига чақиртириб.

— Айбим нима? Олдин айбимни айтинг...

Хўжалик директорининг ўжарлиги бирлашма раисига ёқмади.

— Айбингизни кейин билиб оласиз. Ҳозир ариза ёзинг, вассалом.

Бирлашма раиси тутоқиб кетганди. Муминали Турдиалиев бу ҳолни ўзича таҳлил қилиб, хўжалигига қайтди. Лекин у таъқибидан узоқлашмаганди. Раис ҳар қирқ минутда сим қоқиб: «яхшиликча» вазифасидан кечишни талаб қилиб турди.

— Одамлар нима дейди, — ўйларди М. Турдиалиев.— Ишни бошлаганига бор-йўғи тўрт ой бўлди-ю, ҳамма ёқни дабдала қилган экан, дейишмасмикан?!

Ёш директор бирлашма раисининг «ҳазилини» кўтаролмади. Юраги ёмон бўлиб қолган Муминалини ўзи ўн етти йил ҳалол-пок ишлаган ҳокимият идорасидан «тез ёрдам»да олиб кетдилар. Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас Х. Араббоев туман ҳокими Эркабоев (собиқ) билан давлат хўжалигига борди. Фаолларни йиғиб, ҳеч қандай йиғин ўтказмасдан Муминали Турдиалиевни ўз вазифасидан бўшатилганини оғзаки эълон қилади. 15 кундан сўнг бирлашманинг «4-К» сонли қарори чиқади. Унга 1993 йил 19 апрель куни тиркаб қўйилганди.

Хўжаликнинг ХДП ташкилоти котиби Ж. Асқаров, касаба уюшмаси қўмитаси раиси М. Умаржонов собиқ директор фаолиятига баҳо беришар экан, у ҳақдаги тавсифномада шундай ёзишган: «Муминали Турдиалиев интизомга жиддий эътибор берди... Чорва озуқа базасининг оғир аҳволда эканлигини ҳисобга олиб, бунга жиддий ёндашди. Боғ ораларидаги экилмаган ерларга кузги дон септирди. Қишда молларни беталофат олиб чиқиш мақсадида қўшни вилоятлардан емхашак келтирди. Боғ ва токзор ораларидаги дағал хашакларни вақтида ўрдирди».

Ҳақиқат эгилган, аммо синмаган. Бу гал ҳам шундай бўлди. Араббоев халқ кўриб-билиб юрган ҳақиқатдан кўз юмди. М. Турдиалиевнинг бажарган ишларини кўрмасликка олди. «4-К» сонли қарорда ёш директор чорва бош сонини камайтириб юборган, чорвачилик маҳсулотларини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайишига йўл қўйган, боғ ва токзорларда қишки агротехника ишларини, маҳаллий ва маданий ўғит чиқариш, ерларни ҳайдашни таъминламаган, деган важ кўрсатди.

Мантиқан олиб қараганда, директор хўжаликни қабул қилган пайтида хашак тўплаш мавсуми охирлаганди. Лекин у сўнгги имкониятгача фойдаланганлиги юқоридаги тавсифномада айтилган. Бошқа сабаблар ҳам иложсизлик туфайли тўқилган баҳоналар. Хўжалик етакчисини ҳеч бўлмаганда икки мавсум ишлатмай туриб, айблаш мантиқсизликдан бошқа нарса эмас.

Ишдан олишниям тартибга солинган қонун-қоидалари бор. Бирлашма бошлиғи эса палапартиш иш юритди. Турдиалиевни ўз лавозимдан бўшатишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари Кодексининг 48-моддасини қўпол равишда бузиб, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида буйруқ чиқармади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш ўша Кодекснинг тегишли моддалари формулировкасига ёки ишдан бўшатишнинг қўшимча асосларига мувофиқ ҳолда ёзилмаган.

М. Турдиалиевдан баённот олинмай қонунга хилоф иш қилинган. Унинг иштирокини таъминламай, шифохонада ётган касаллик чоғида вазифасидан бўшатишга қарор чиқарган. Бу «ўйин»да тор фикрланилгани, Араббоевнинг қонундан бехабарлиги очиқ кўриниб қолган.

Яна бир томони янги директорнинг қилган ишларини ҳеч бир комиссия, мутахассис текширмай умумий далилларга суянилган. Бу ёш кадрга нисбатан ғаразгўйлик қилинганининг исботи эмасми?!

Муминали Турдиалиевга нисбатан бўлган бу ҳақсизликка Фарғона шаҳар халқ суди одилона баҳо берди. Суд ья М. Жумаева раислигида 1994 йил 26 январь куни бўлиб ўтган очиқ суд мажлиси М. Турдиалиевнинг даъвосини қаноатлантирди. Уни аввалги ишига қайта тиклаш ва ноилож-ликдан қилинган прогуллари учун ўртача ойлик миқдорида бирлашмадан ундириш ҳақида суд қарор қилди.

Хўш, суднинг қарори бажарилдими?

Вилоят мева-сабзавот ва узумчилик давлат ширкат бирлашмаси раиси Х. Араббоев аллақачон хизмат вазифасидан озод қилинганди. Унинг ўрнига келган Эркин Тоҳиров ҳал қилув қарори ижросини бажаришни ёзма равишда рад этди. Сабаби шундай изоҳланади: «Ўзбекистон давлат хўжалиги ҳозирда жамоа хўжалигига айлантирилган. Ушбу турдаги хўжалик раҳбарлари деҳқонларнинг умумий йиғилишида сайланади. Бу ҳолат юқори идора органлари фармойишлари билан қонунлаштирилган. Шу сабабли бошқарув ҳайъати ва унинг раҳбарияти Муминали Турдиалиевни ишга тиклаш ҳуқуқига эга эмас».

Ана шу важдан кейин халқ суди 15 март куни Э. Тоҳировга қайта хат йўллади.

Суднинг қарорини бажариш муддати 20 мартгача қилиб белгиланди. Лекин...

Бир мулоҳаза. Суд — адолат излаганларнинг сўнгги илинжи. Топталган тақдирлар, ҳақсизликка учраганлар одил суд туфайли рўшнолик кўради. Мабодо у адолатни кўрмасликка олсачи? Жавоби оғир. Афсуски, Фарғона вилоят суди шундай йўл тутди. Орадан етти ой ўтгач, 27 июль куни вилоят суди раёсатининг 4-Г-61 қарори билан шаҳар суди қарори бекор қилинди. Сўнг ишни қайта кўриб чиққан фуқаролик ишлар бўйича судлов коллегияси 1994 йил 15 августда М. Турдиалиев судга мурожаат қилиш муддатини узрли сабабларсиз ўтказиб юборган деган асос билан даъвони рад этди.(!)

Ана шу 3-Ч-7- сонли қарор Турдиалиевлар оиласига катта зарба бўлиб урилди. Айниқса, Муминалига бу жуда оғир ботди. Чунки инсон ўзининг ҳақлигини била туриб ҳақсизликка учрашдан оғирроқ иztироб борми?

Муминали охирги илинжни Тошкентдан излади. Фарғона вилоят судининг қарорига даъвогар М. Турдиалиев келтирган кассация шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий суди граждан-лик ишлари бўйича судлов коллегияси очиқ суд мажлисида кўриб чиқди. Фарғона вилоят судининг 15 августдаги қарори бекор қилиниб М. Турдиалиев «Ўзбекистон» номли давлат хўжалиги директорлигига тикланди. Унинг бир йиллик маоши вилоят мева-сабзавот ва узумчилик давлат ширкат бирлашмасидан ундириладиган бўлди. Меҳнат қонунлари Кодексининг 41-моддаси 1-бандига асосан, ташкилот тугатилганлиги сабабли М. Турдиалиев 1994 йил 26 октябрдан ишдан бўшатилган ҳисобланди.

— Энг асосийси адолат қонун йўли билан тикланди, — дейди М. Турдиалиев. — Ҳақ йўлида курашсанг енгаркансан. Худо ҳам, қонун ҳам оқ-қорани кўриб тураркан. Менга нисбатан адолатсизлик қилган Х. Араббоев ишдаги хато ва камчиликлари, Ўзбекистон тумани ҳокими бўлган А. Эркабоев «аризасига мувофиқ» ишдан кетди.

Шундай қилиб яна бир ҳақсизликка чек қўйилди. Фақат мулоҳазамиз бор. Юртимизда ягона қонун ҳукмрон. Бироқ унинг турлича қўлланилиши қизиқ? Фарғонадаги можаронинг республикагача чиқишигаям шу сабабчи эмасмикан? Буни биз, Фарғона вилоят судидан сўраяпмиз.

Қурбон АЛИ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази жамоаси марказ раҳбарининг ўринбосари, «Тафаккур» журнали Бош муҳаррири, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Эркин Аъзамовга отаси

Нормамат АЪЗАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

ҲИНДИСТОН САВДО КЎРГАЗМАСИ

ТОШКЕНТ, "ЎЗЭКСПОМАРКАЗ", 5 - ПАВИЛЬОН
1995 йил 14 - 20 сентябрь



Кўргазмага қўйиладиган маҳсулотлар:
Техник маҳсулотлар: машина ва асбоб-ускуналар, центрифугалли насослар, саноат клапанлари, зич ёпиладиган компрессорлар, тўқимачилик асбоб-ускуналари, кабель маҳсулотлари.
Алоқа асбоб-ускуналари.
Автомобиллар: юк машиналари, джиплар, енгил автомобиллар, уларнинг таркибий ва эҳтиёт қисмлари.
Госпиталь асбоб-ускуналари.
Дори-дармонлар, фармацевтика ва химикатлар: кир ювиш порошоклари, пардоз-андоз буюмлари, дори-дармонлар ва ветеринар препаратлари.
Тўқимачилик маҳсулотлари: ип, ип ва ипак газламалар, тайёр кийимлар.
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлари: чой, кофе, гуруч, спиртли ичимликлар, пиво ва консервалар.
Чарм ва чарм маҳсулотлари: кийимлар, пойабзал ҳамда йўлда ишлатиладиган маҳсулотлар.
Халқ истеъмоли моллари: электроника, маиший асбоблар, пластмасса маҳсулотлари, канцелярия буюмлари.

Ташкилотчилар:

Ҳиндистон элчихонаси: **Тошкент, А. Толстой кўчаси, 3-уй.**
ИНДИЯ ТРЭД ПРОМОШЕН ОРГАНИЗЕЙШЕН.
Прагати Бхаван, Прагати Майдан, Нью Дели — 110001, ИНДИЯ.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги "Ўзэкспомарказ" республика савдо-кўргазма маркази:
Тошкент, Амир Темур кўчаси, 107-уй.

Кўргазманинг иш тартиби:

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН
ҳар куни, соат 10.00 дан - 14.00 гача

ТАШРИФ БУЮРУВЧИЛАР УЧУН
ҳар куни, соат 14.00 дан - 18.00 гача
шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан - 18.00 гача.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Ҳайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0382.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи Р. ШОДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20. 30.

Л 2 3 4 5 6.